




* Зулфия мукофотининг илк совриндорлари
 * Ҳожибой Тожибоев аёллардан қўрқмайди
 * “Чимилдиқ” да: Суксур ширин сўз гадоси
 * Хотин-қизлар 8-мартдан нимани кутади?



Элим деб, юртим деб,  ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган **ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ** 2000 йил 8 март Чоршанба. № 20 (14302)

Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

Муҳтарама онахонлар!
 Азиз опа-сингиллар!
 Мунис ва лобар қизларимиз!
 Барчангизни зеболик ва нафосат айёми - 8 март байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу гўзал айёмнинг илк баҳор кунларида байрам қилиниши бежиз эмас. Чунки Баҳор ва Аёл тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу икки сўз замирида ҳаёт абадийлигига ишонч, меҳр-муҳаббат, покиза орзу-умидлар муҳассам.

Аёл зоти Оллоҳ таоло яратган табиатнинг энг буюк мўъжизаси, деган фикрда теран маъно бор.

Аваламбор, аёл - ўзининг бетакорлиги билан мўъжиза.

Аёл - ўзининг гўзаллиги билан мўъжиза.

Аёл нафақат оилада, балки бутун жамият ҳаётида меҳр-муҳаббат, оқибат, аҳиллик муҳитини қарор топтириши билан мўъжиза.

Аёл зотининг ҳаётни давом эттиришдек қудрати, оналик синоатининг ўзи улуг бир мўъжиза эмасми?

Оқ сути билан янги-янги авлодлар қалбига, ўз юртига меҳр ва садоқат, ҳалоллик ва фидойилик фазилатларини сингдира олиши аёл буюклигининг яна бир ифодаси эмасми?

Муҳтасар қилиб айтганда, аёл инсонни инсон, оилани оила қилади, ҳаётни гўзаллик ва меҳрибонлик билан нурафшон этадиган мўътабар зотдир.

Аждодларимизнинг аёлларга нечоғли ҳурмат ва меҳр билан иззат-икром кўрсатгани барчамизга яхши маълум. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган бу эзгу фазилатлар миллатимизнинг қон-қонидида яшаб келмоқда.

Бу бизнинг ана шу азалий қадриятларга содиқ бўлиб амалга ошираётган бугунги хайрли ишларимизда намоён бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Аёллар йили муносабати билан белгилаган тадбирларимиз бир ёки бир неча йил билан чекланмайди, албатта. Уларни изчил давом эттириш, бу борадаги орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Биз буюк келажакимизни яратиш, ҳаётимизни фаровон ва ёруғ қилиш мақсадида қандай ташаббус бошламайлик, бу эзгу интилишларимизда аввало муҳтарама аёлларимизга таянамиз. Инсон манфаатлари йили деймизми, Оила йили деймизми, Соғлом авлод йили деймизми, бу борадаги дастур ва режаларимизнинг рўёбга чиқиши биринчи галда аёлларимизга, уларнинг ақл-заковати, жасорати ва фидойилигига боғлиқ.

Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда аёлларимизнинг фаоллиги, жамият ҳаётида ўз ўрнини топаётгани, Оллоҳ таоло уларга ато этган барча фазилатларни тўла намоён қилаётгани “Аёл дунё бешигини тебратди”, деган ҳикматнинг тасдиғи эмасми?

Энг муҳими, мен ватандошларимга, халқимизга яна бир бор шуни айтмоқчиман: биз ўзимиз танлаган эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, кўзлаган мақсад-муддаоларимизга етиш, халқимизнинг руҳини уйғотиш йўлида эзгу қадриятларимизни таянч деб билиб, улардан ҳамиша маънавий куч-қудрат оламиз.

Бу қадриятлар замиридаги аёлга ҳурмат, аёлга эҳтиром туйғулари жамиятимиз маданий савиясини, унинг маънавиятини янги босқичга кўтаришга, инсоний фазилатларимизни янада юксалтиришга хизмат қилади, деб ишонаман.

Биз бу олижаноб йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Муҳтарама оналар, қадрли опа-сингиллар!

Дилбар қизларим!

Сизларни яна бир бор улуг айём - халқаро Хотин-қизлар байрами билан чин юракдан муборакбод этаман.

Ҳаётимизни маъно-мазмун билан тўлдириб, умр йўлларимизни мунаввар этиб келаётган сиз - азизларга ҳар қанча ташаккур айтсак, ҳар қанча таъзим қилсак арзийди.

Толеингиз баланд, умрингиз узок, ризқ-насибангиз доимо бутун бўлсин!

Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг!

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ислом ҚАРИМОВ.**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

Зулфия номидаги Давлат мукофотини бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонида биноан Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и :

1. Республика хотин-қизлар кўмитаси қошидаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг таклифларига асосан, аёло ҳулки, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодли намоён этаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан иқтидорли қизларга иловага мувофиқ Зулфия номидаги Давлат мукофоти берилсин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти

билан тақдирланганларга 8-март хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказилган тантанада совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбораси Д.Фуломова зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **Ислом ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 6 март

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг қарорига асосан

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган шахслар РЎЙХАТИ

Мустапаева Гульмира Кошкарбаевна	- Нукус шаҳридаги 37-лицейнинг 11-синф ўқувчиси
Сотқинова Жамила Инобиддинова	- Андижон вилояти, Избоскан тумани, 6-гимназиянинг инглиз ва урду тили ўқитувчиси
Орипова Ирода Талабона	- Бухоро вилояти, Пешку тумани, 11-мактаб кутубхона мудираси
Муродова Сайёра Собирова	- Жиззах Давлат педагогика институти биология кафедрасининг ўқитувчиси
Эргашева Гулҳаё	- Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Амир Темури номидаги гимназиянинг 7-синф ўқувчиси
Рўзиева Феруза Усмонова	- Навоий вилояти, Навоий шаҳар, 13-мактабнинг 11-синф ўқувчиси
Маҳмудхўжаева Зулхумор Юнусова	- Наманган муҳандислик иқтисодиёт институтининг 4-курс талабаси
Тожиева Розия	- Самарқанд вилояти, Пастдаргом тумани, 6-қишлоқ кутубхонаси мудираси
Курбонова Нодира Аҳмаджонова	- Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, 41-мактабнинг 6-синф ўқувчиси
Маҳмараимова Шоҳиста Тўхташевна	- Сурхондарё вилояти "Жарқўрғон ҳақиқати" газетасининг муҳбири
Тўлабоева Рухсўра Сайфуллаевна	- Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, 14-мактабнинг 10-синф ўқувчиси
Абдуллаева Ойдин Утамуродова	- Тошкент Давлат консерваторияси аспиранти, муסיқий-назарий фанлар ўқитувчиси
Содиқова Дилфуза Акромжоннова	- Фаргона вилояти, Марғилон шаҳри, "Истикбол" номли гимназиянинг 11-синф ўқувчиси
Жуматова Дилрабо Аминбаевна	- Хоразм вилояти, Янгиарик тумани, 1-мактабнинг 9-синф ўқувчиси

Нафосат байрамига бағишланди

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида маънавий соҳаларида рўй бераётган оламшумул тарихий ўзгаришларда хотин-қизларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Биз жонажон диёримизнинг раванга йўлида жонбозлик кўрсатаётган ишчи ва шифокор, муаллима ва олимпиада кадри эл-юрт хурматига сазовор бўлган турли касб соҳиблари бўлмиш аёлларимиз, мушфик ва мунис оналаримиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, уларни ҳамиша эъзозлаймиз.

Бу йилги Халқаро хотин-қизлар байрами - 8 Март ажойиб ва унутилмас дамларда - Президентимиз томонидан 2000 йил мамлакатимизда "Соғлом авлод йили" деб эълон қилинган ва шу муносабат билан қабул қилинган "Соғлом авлод" Давлат дастури илчил амалга оширилаётган даврда байрам қилинаётгани ўзига хос рамзий маъно касб этмоқда.

Пойтахтимиздаги мухтажам "Туркистон" саройида 7 март куни зеболик ва эзулик, меҳр-муҳаббат ва гўзаллик рамзи байрами - 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилишда ана шулар ҳақида сўз юритилди. Шу кун бу ерга мамлакатимиз хотин-қизлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳмонлар таширф буюрди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлағанов очди. Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўлаган байрам табригининг Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Фулмонова мамлакатимиз аёлларининг мустақил Ватанимиз раванга йўлидаги фолоти тўғрисида гапириб, уларни кутлуг байрам билан самимий табрикларди.

Президентининг "Зулфия номидаги Давлат мукофоти" таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармонидаги биоано республика хотин-қизлар кўмитаси қосидаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг таъсисига кўра, аёло хўлки, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодли намоён энтаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқларга эришадиган бир гуруҳ иқтидорли қизлар ҳукумат қарори билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Йиғилишда ана шу мукофотлар тақдирланган қизларга тантанали равишда топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан 2-Тошкент давлат тиббиёт институтининг бўлим мудараси, биринчи даражали "Соғлом авлод учун" ордени нишондори Л.Г.Глинянова, Ўзбекистон Қарамони, халқ шоири Э.Воҳидов, Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тарихий кадрларимиз, миллий аъналариимиз тикланаётган, ҳажонда мустақил ватанимизнинг обрў эътибори ошиб бораётган ҳозирги вақтда аёлларни эъзозлаш, меҳнатининг қадрига етиш, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фол иштирокини таъминлаш барчамиз учун муқаддас бурч эканини таъкидлади.

Йиғилишда Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Ҳамидов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

Тантаналар катта байрам концерти билан якунланди.

Т.Ботирбеков,
ЎЗА муҳбири

“О Ф А Р И Н” ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИЖОДКОРИ РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Танлов шiori: *“Шу азиз Ватани, азиз халқимизни, мусаффо осмонимиз ва она заминимизни ҳар қанча улуғласак, ҳар қанча куйласак оз!”*

Яна бир ҳафтадан кейин мухтажам “Халқлар дўстлиги” саройида “Офарин” - йилнинг энг яхши ижодкори республика танлови голибларини тантанали шарафлаш маросими бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмаси, “Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси”, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ва яна бир қатор жамоатчилик ташкилотлари томонидан ўтказилаётган ва Президентимиз Ислам Каримов томонидан қўллаб-қувватланган мазкур танлов мамлакатимиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлиши шубҳасиздир. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати адабиёт ва санъат, матбуот, телерадиожурналистика каби йўналишларда ижод қилаётган мамлакатимиз зиялиларининг энг сараларини талабчанлик билан кўриб чиқиб, голибликка номзодларни аниқлади. Низомига кўра, танловга тавсия этилганларнинг ижод намуналарини кўриб чиқишда уларнинг гоъвий-бадиий ва эстетик савияси, мамлакатимиз ижодий-маданий ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни нечоғли акс эттирганлиги, тарбиявий аҳамияти ҳисобга олинди.

Учинчи минг йиллик арафасида мустақил мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган “Офарин” танлови ҳам ўз моҳиятига кўра нуфузли танловлар ва совринлар қаторидан жой олиши мумкин. Мақсад - ҳаёти ва ижодини юрт иқболи, миллий таракқиётга бахшида этган, шу йўлда изланаётган фидойи ижодкорларни улуғлаш, меҳнатларини қадрлаш, уларни янада янги зафарларга даъват этишдир.

Айни кунларда танлов голибларини тантанали равишда шарафлаш маросимига катта ҳозирлик кўрилоқда. Бу ишга қўллаб ташкилотлар, ҳомийлар, саҳна усталари, рассомлар, дизайнчи-безакчилар жалб этилган.

“Фонон” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари танлов голибларига топширилаётган совринларни ҳомийлик асосида тайёрлаб бердилар. Кўнгилда гуруҳ ва ифтихор туйғуларини уйғотаётган бу совринларни кўриш, томоша қилишнинг ўзи бир олам

кувонч.

Мамлакатимизда ўтказилаётган йирик маданий-маърифий тадбирларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келатган “Ўзэлектроаппарат” ишлаб чиқариш бирлашмаси бу гал ҳам саховатпешалик қилмоқда. Улар “Халқлар дўстлиги” саройи саҳнасини махсус мосламалар билан безашни ўз зиммаларига олганлар. “Совпластитал” қўшма корхонаси мутасаддилари ҳар галгидек, танловнинг муваффақиятли ўтиши учун ўз ҳиссаларини қўшмоқчи. “Тошшаҳарнур” компанияси мутахассислари эса мухтажам зал ва саҳнани ёритиш ва унга рангли жило бериш ишларига бош-қош бўлмоқдалар. “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ижодкорлари айни кунларда пойтахтимизнинг кўзга кўринарли жойларини махсус ранг-тасвир воситалари билан безамоқдалар. “Ўзбекнаво”, “Ўзбекракс”, “Ўзбектеатр” ижодкорлари танлов иштирокчиларини шарафлаш учун шай бўлиб турибди. Жамоатчиликнинг бу хайрли ҳаракатини Маданият ишлари вазирлиги, Давлат матбуот кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Ўзтелерадио” компанияси, газета ва журналларнинг таҳририятлари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдалар. Танловга ҳомийлик қилиш истагини билдираётган ташкилотлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Улар орасида ҳозирча:

“Ўздаватматбуоткўм”нинг ижарадаги Тошкент матбعا корхонаси,
“Ўзбексавдо” уюшмаси,
“Фонон” бирлашмаси,
“Тошшаҳарнур” компанияси,
“Совпластитал” қўшма корхонаси,
“Ўзэлектроаппарат” бирлашмаси,
“Дэмир” қўшма корхонасининг ҳиссалари юқори бўлиб турибди.

“Офарин” танлови элимизни, юртимизни, истиқлол гоъларини тараннум этувчи анъанавий ижодий беллашув бўлиб қолиши шубҳасиздир.

А. Мелибоев
(ЎЗА)

“Офарин” йилнинг энг яхши ижодкори Республика танлови голиблигига тавсия этилаётган номзодлар рўйхати

1. Адабиёт ва санъат йўналиши:

А) “Энг яхши бадиий асар муаллифига” номинацияси бўйича:
НАСРИЙ АСАРЛАР БЎЙИЧА.
Шарафиддинов Озод - Адабий-танқидий мақолалари ва таржима асарлари учун.
Султонов Хайриддин - “Бобурийнома” маърифий романи учун.
Эшонқулов Назар - Туркум ҳикоялари учун.
Қаипбергенов Тўлепберген - Қорақалпоқ халқи тарихига бағишланган асарлари учун.
ШЕЪРИЙ АСАРЛАР БЎЙИЧА.
Раҳимбоева Қўлибека - “Озодлик” шеърлар китоби учун.
Муҳаммад Юсуф - Шеър ва кўшиқлар туркуми учун.
Саидов Сирождин - Шеърлар туркуми учун.
Усмон Азим - Шеърлар туркуми учун.

Б) “Энг яхши /кино, театр, оммавий саҳна/ режиссёрлик иши учун” номинацияси бўйича:
Абдурахмонов Наби - Ўзбекистон Ешлар театрида саҳналаштирилган “Ато” этилган муҳаббат” спектакли режиссураси учун.
Каприелов Сергей Сергеевич - Ҳамза номидаги академик драма театрида саҳналаштирилган “Кирол Лир” спектаклининг режиссураси учун.
Азимов Марат - “Алломиш” эпосининг 1000 йиллигига бағишланган театрлашган томоша режиссураси учун.

Умаров Валижон - Андижон вилоят муסיқали драма театрида саҳналаштирилган “Алломишнинг қайтиши” спектаклининг режиссураси учун.
В) “Энг яхши хонандага” номинацияси бўйича:
Усмонова Юлдуз - Янги кўшиқлар дастури учун.
Раззоқова Муяссар - Янги кўшиқлар дастури учун.
Ҳожимамедов Рустам - Мумтоз халқ кўшиқларини моҳирлик билан ижро этганлиги учун.
Сатторова Марям - Мумтоз халқ кўшиқларини моҳирлик билан ижро этганлиги учун.
Г) “Энг яхши муסיқа асари учун”

номинацияси бўйича:

Бафоев Мустафо - Янги кўшиқлар туркуми учун.
Маҳмудов Мирҳалил - “Ўтган кунлар”, “Севги” ва “Чимилдик” фильмларига ёзган муסיқаси учун.
Муҳаммадиев Нажмиддин - Янги кўшиқлар туркуми учун.
Алимов Фарҳод - Янги кўшиқлар туркуми учун.

Д) “Энг яхши тасвирий санъат асари муаллифига” номинацияси бўйича:
Йўлдошев Муборак Саидқулович - Ўзбек халқ эпосига ишланган асарлар туркуми учун.
Раҳметов Собир Фафурович - “Унутилмас сиймолар” портретлар туркуми учун.

Саъдуллаев Темур - Буюк аждодларимиз сиймоларини яратганлиги учун.
Машрапов Эрқабой - Жалолитдин Мангуберди ва “Алломиш”га бағишланган асарлари учун.

Е) “Кино ва телевидениедаги энг яхши режиссёрлик иши учун” номинацияси бўйича:
“Елғиз-ёдгорим” фильми учун /реж. Собир Назармухамедов/.
“Чархпалак” телефильми учун /реж. Шавкат Жунайдуллаев/.
“Воиз” фильми учун /реж. Юсуф Розиков/.
“Алломиш” мультфильми учун /реж. Н.Тўлаҳўжаев/.

Ё) “Кино ва театр соҳаларидаги энг яхши ижрочи актёр” номинацияси бўйича:
Азизов Турғун - Ҳамза номидаги академик драмтеатрининг “Кирол Лир” спектаклида Қирол Лир образини яратганлиги учун.
Бегматова Азиза - Аброр Ҳидоят номидаги драма театрининг “Чеча” спектаклида Чеча образини яратганлиги учун.
Икромова Дилбар - “Елғиз-ёдгорим” ва “Чимилдик” фильмларидаги аёллар образларини яратганлиги учун.

Окунова Полина - Ўзбекистон рус драма театрининг “Арлекино” спектаклида Клариче образини яратганлиги учун.
Ж) Соғлом авлод йили муносабати билан “Болалар учун энг яхши бадиий ва санъат асарлари” номинацияси бўйича:
Тўхтабоев Худойберди - Болалар-

га бағишланган проза асарлари учун.

Адашбоев Турсунбой - Болаларга бағишланган шеърлий туркум учун.

Ёрматов Шермат - Болалар учун яратилган санъат асарлари учун.
Курбонова Нодира - Болалар учун яратилган санъат асарлари учун.

З) “Энг яхши созандага” номинацияси бўйича:

Абдуҳошим Исмоилов - созанда.

Абдурашидов Абдулахад - найчи

Матёкубов Мадрасул - кўшнайчи.

Фафурова Сайёра - пианиночи.

И) “Энг яхши амалий санъат асари муаллифига” номинацияси бўйича:

Асқаров Қудрат Курбоневич - Кулол-рассом. “Орол менинг тақдиримда” мавзудаги туркум асарлари учун.

Кўзиева Назира Ўсарова - Кулол-рассом. “Орол: наҳот гўнчалари” туркум асарлари учун.

Комилова Холида Ҳафизовна - Дизайнер. Миллий либос аъналарини тиклаш йўлидаги туркум ишлари учун.

Тожиқўжаев Тўлаған Турсунхўжаевич - Хайкалтарош. Мўъжаз пластик асарлари учун.

2. Телерадио йўналиши:

А) “Ижтимоий сиёсий мавзудаги энг яхши кўрсатув-эшиттириш муаллифи” номинацияси бўйича:

1. Хотамов Гаффор - “Февраль воқеалари” ҳужжатли-публицистик фильми учун.

2. Аъзамов Қуддус - “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” кўрсатуви учун.

3. Бузруков Аҳмаджон - “Адашганлар қисмати” эшиттириши учун.

4. Тиллаҳўжаев Саидмурод - “Маънавият чашмалари” эшиттириши учун.

Б) “Иқтисодий мавзудаги энг яхши кўрсатув-эшиттириш муаллифи” номинацияси бўйича:

1. Содиқов Аббор - “Мулкдор” кўрсатуви учун.

(Давоми 3-бетга)

ҶИМШИЛДИК

"ЖУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 2000 йил 8 март № 10 (67)

ХОНИМЛАРНИНГ ЛИБОСЧИ ЙИГИТИ

Бешта қиздан кейин туғилган Дилмуродга оилавий муҳит таъсир этдимикин, нимагадир у тенгдошларидан бошқача улғайди. Ўспиринлик пайтида велосипеднинг қайси гилдирагини таъмирлашдан кўра унга сотиб олинган кийим қандай тикилганлиги қизиқроқ туюларди. Темир-терсаққа ўчлик пайтини Дилмурод куроқ-улоқлар, қайта сўкилиб, тикилган кўйлақлар ичида ўтказди.

Шундай бўлди. Кўпчилик аёллар касби деб қаралган тикувчиликка унинг ишқи тушди. 13 ёшда Дилмурод Миркомилонинг модалари пайдо бўлди. 16 ёшда эса ҳали мактаб ўқувчиси бўлган бу йигитчанинг безактошлар билан безатиб тиккан 33 та тўй кўйлаги бор эди. Ҳаттоки бу кўйлақлар ўз харидорини — келинчақларни топганди.

22 ёшли тошкентлик модельер Дилмурод Миркомилонда ҳеч қандай олийгоҳ дипломи йўқ. Лекин у яратаётган кийимларда ўзгача дизайн бор.

— Оддий матодан бежирим, энг нозиктаъб ҳисобланган аёлларга ёқади-ган кийим тикиш жуда қийин. Аммо мен ўз касбимни севаман, - дейди Дилмурод.

Унинг иши ҳар куни шундай бошла-

нади. Яратмоқчи бўлганининг суратини чизади, ранг танлайди, мато олади, бичади, тикади, кружевалайди, ҳар хил ранг-



— Кўпинча тўй мавсумларида кийналаман. Ишларим кўпайиб қолса синглим, хотиним кўмаклашади. Шогирдларим бор.

— Ҳозир ўзбек миллий тўй кийимлари ҳақида кўп гапиришяпти. Унинг қандай бўлишини хоҳлайсиз?


— Бошқаларникига ўхшамаган. Ҳозирги тикаётган кийимларимнинг оёқ кийимига таъйёрлашга ҳаракат қиляпман. Миллийлик, одамларга ёқиш. Бу йил мавсумда декольте усули урфга кирди. Аммо, мен очиқ-сочиқ кийимларни ёқтирмайман. Тўрлардан фойдаланишга ҳаракат қиламан.

— Машхурлар билан алоқангиз қандай?

— Негадир биз ҳали ҳам махсус фирма тамғаси босилган нарсаларни афзал кўра-миз. Кўплаб санъаткорларга кийимлар тикиб бердим. Уларнинг кўпчилиги мен тикиб берган кийимлар билан саҳнага чиқишаётганини сир сақлашимни илтимос қилишади.

— Ниятларингиз?

— Бундан ҳам яхшироқ ишласам, ном қолдирсам. Ҳозирча ўз



фирмамни очишга уйдагилар қарши. Лекин "Версачи"га ўхшаган ўз кийимларим бўлишини жуда хоҳлайман.

— Тўғриси ҳозир кўпчилик йигитларимиз сизга ҳавас билан қарашяпти. Байрамга совға масаласини сиз ўз кўлингиз билан ҳал эта оласиз?

— Бу гал ҳавас қилишга арзитайман. Чунки онамга, хотинимга, опа-сингилларимга янги кийимлар тикиб беришга улгурмадим.

— 8 март тилақларингиз

— Аёллар доимо гўзал бўлиб юрсин. Агар имкон бўлса "Чимилдик" иловаси ижодкорларидан бир илтимосим бор эди. Мени мана шундай кунларга етказган, яхши кунимда ҳам, ёмон кунимда ҳам ёнимда бўлган онажоним Саида опани байрамлари билан табрикласам. Доимо соғ бўлинг онажон!

ЛАЙЛО суҳбатлашди



ли тошлардан безак беради. Тинимсиз меҳнат, изланиш натижасида оддий ўзбек йигити яратган кўйлақ чет элликдан қолишмайдиган буюмга айланади. Бундан ташқари Дилмурод устози Шахло Алиевадан маникюр, макияж, турли соч турмақларини ҳам ўрганди.

— Дилмурод, бу ишингизга атрофдагилар қандай қарашяпти?

— Ёмон эмас. Мақтаниш эмас-ку, кўпчилик менга ҳавас қилади. Ўзимни тикувчи деб атамайман, чунки ҳамма тикканларим ижодим маҳсули. Фақат илтимос қилишгандагина журналларда эълон қилинган модаларнинг нусхасини тикиб бераман. Ўзим учун дўкондан фақат гулстук ва пайпоқ сотиб оламан холос. Ёқтирган кийимни тикиб қиявераман.

— Бичиш, тикиш, пардоз-андоз... қийналиб қолмайсизми?



Дунёда одам боласига ўз кучогини кенг очган, бошпана берган, нон-тузини дариг тутмаган азиз гўша - Ватанни чин дилдан севиб ардоқлашдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Шунданми,

ди. Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида истиқомат қилаётган беш ёшли қизалоқ Хадича давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовга мурожаат қилиб, ўзбекистонлик ёш авлод кўнглидаги ана шундай бахтиё-

қизикарли машғулотлар ҳақида жуда бийрон гапирди. Буларнинг барча-барчаси Президентнинг болаларни чин дилдан яхши кўришидан деб билади.

Унинг доғистонлик бўлган оиласи бундан уч йил муқад-

тида фаолият кўрсатмоқда. Оиланинг катта фарзанди Дилляра ўрта мактабга, Хадича эса болалар боғчасига қатнайди. Юртимиздаги барқарорлик, ўзаро ҳамжихатлик, энг асосийси, ёш авлодга катта эътибор

Бироқ катталар Хадичанинг фотосурат борасидаги илтимосини ҳадеганда уудалай олишмади. Қизалоқнинг қистови билан онаси Ислоҳ Каримовга хат ёзди. Мактуб эътиборсиз қолмади. Тошкент вилояти ва Ангрен шаҳар ҳокимлигидан бир гуруҳ вакиллар 8 март - баҳор байрами арафасида мазкур хонадонга ташриф буюрди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Асатов Хадича ва унинг оила аъзоларига Президент Ислоҳ Каримовнинг жавоб мактуби ва совғаларини топширди. Қизалоққа Президент дастхати битилган портрет ҳам тақдим этилди.

Н. Душаев, ЎЗА муҳбири

Қизалоқ орзусига етди

ҳали ҳаётнинг паст-баландини, аччиқ-чучугини тўла англаб улгурмаган жажжи болажонлар ҳам мурғак қалблари билан ўзларига кўрсатилаётган меҳроқибатни дилдан ҳис қила-

рлик ҳис-туйғуларини баён қилиб берган бўлса, не ажаб. Ўткир зеҳнли жажжи Хадича билан сўзлашсангиз Ўзбекистон жуда ёқиб қолгани, болаларни бу ерда ҳамма суйиб-эркалаши, айниқса боғчадаги

дам тақдир тақозоси билан юртимизда истиқомат қила бошлади. Айни пайтда оила бошлиғи кўмиқ Магаман Магамедов давлат ҳуқуқ инспектори, рафиқаси авар Адлия Жемал болалар педиатри сифа-

бу оилада серкўёш Ўзбекистонга, унинг аҳил одамларига меҳр уйғотди. Хадичанинг Президент Ислоҳ Каримовнинг суратини хонамнинг деворига осиб қўймоқчиман, деб орзу қилгани ҳам шундан.

МЕН
ВАУ

Гўзал РАЖАБОВА: "СЕВГИ ҲАМ УЗОҚЛАШТИРАДИ, ҲАМ ЯҚИНЛАШТИРАДИ" — Сиз қандай севгини хоҳлайсиз?

Муҳаббат ҳақида жуда кўп ёзилди. Айниқса бу савгиамиз меҳмонлари доим ўз фикрлари билан келишади. Кўпчиликка манзур бўлган "Кўнгил кўчалари" видеофильмининг қаҳрамонларидан бири Суксур (Гўзал Ражабова)нинг қайсидир жиҳатлари олдинги суҳбатдошларимиздан анчайин фарқ қилади.

— "Чимилдиқ"нинг ўтган сонларида Боир ака Холмиров "Муҳаббат сабр қилгани мукофотлайди" дебдилар. Менимча муҳаббатда кечикиш керак эмас. У ҳаммага берилавермагани каби, кутиб ҳам туролмайди. Маълум пайтдагина қалбда меҳмон бўлади. Иззатини жойига қўймасангиз аразлаб қолиши мумкин.

— Умуман сизнингча севгининг ўзи нима?

— Ташҳиси йўқ дард. Ҳам ширин, ҳам аччиқ. Бўладики, кимнидир севсангиз уни фақат соғ-саломат кўришни истайсиз. Севги — мен кимнидир бахтли қиламан, дегани. Оиласини бузиб, у билан яшаш эмас. Ҳар қандай вазиятдан уни қутқариб қолиш керак.

— Тўғриси, биз аёллар кўпинча севган одамимиз билан бирга яшаганимиздагина ўзимизни бахтли ҳис этамиз...

— Бу унчалик ҳам тўғри эмас. Чунки, бирга яшадингизми уни яқиндан била бошлайсиз. Баъзан, у сиз кутган одам эмаслигини сезиб қолсангиз таъмом. Кўпинча муҳаббат ҳам яқинлаштиради, ҳам узоқлаштиради. Энг ёмони севсангиз-у севилмасангиз. Ўшанда одам ўзини бундай севгидан совутиши керак. Биз кўп ҳолларда муҳаббатнинг қадрига етолмаймиз.

— Гўзал Ражабованинг кўнглига қандай



одамлар яқинроқ?

— Мен учун бойлик, кийиниш, чирой иккинчи даражали нарса. Бировни битта гапи учун яхши кўриб қолишим мумкин. Ёшлигимда Гиреннинг "Кизил елканлар" асарини ўқиганман. Қизил елканда Гирей келади. Ҳамиша Гирей каби йигитни кутардим. Бу болаликдаги бир орзу эди. Лекин ҳозир ўйлаб қарасам яхши гапнинг гадоси эканман.

— Сиз яратган Суксур

образи ҳақида турли қарашлар бўлди. Биров уни тушунди, биров қоралади.

— Тўғриси айтиман, адашганларни кўпчилик оёқ ости қилади. Тушунишни хоҳламайди. Суксурларни бахтли қилиш керак. Ҳаётда ҳамма нарсаси бекам-кўст бўлганларни эмас.

— Гўзал опа, вақт, ёш ўтгани сари муҳаббат ўзгариши мумкинми?

— Мумкин. Чунки онг, дунё ўзгаради. Ёшлиқда бир бола сизни қаттиқ севади. Унга парвосиз қарайсиз. Йиллар ўтган-дан кейин ўша би-яшасам дейсиз-ку.

— Аёлнинг бахтли бўлиши нимага боғлиқ?

— Атрофдагиларга ва ўзига. Инсонга бахт маълум вақтлардагина келади. Шуни ушлаб олиш керак. Ниятим ким севса, севган одамга етишсин.

— Мактабда ўқиб юрган пайтларим бир бола доим байрамларда табриклар орқамдан юрарди. Тўғриси унинг муҳаббатини қадрламасдим. Жинними деб кулардим. Кинодаги актёрларни яхши кўрдим-да. Бугун эса севган одамим ўз ҳаётини менга ва мен ҳам ўз ҳаётимни унга бағишлашни хоҳламайман.

— Муҳаббат учун нимадан воз кеча оласизми?

— Билмадим, лекин ҳаётимда шундай тақлиф бўлганди. Ўғлимдан, қизимдан, онамдан, Тошкентдан, қолаверса, театрдан воз кечолмаганман.

— 8 мартда сиз учун энг яхши совға нима?

— Гул, ширин сўз ҳамда эътибор.

Тахририятдан: "Туркистон" газетаси жамоаси ўз муштарийлари номидан Гўзал Ражабовани аёлларнинг бетақдор баҳор байрами — 8 март билан қутлайди.



Шайх Аҳмад Хадравийи, Хурсон шайхнинг улуғи эди. Мингта муриди бор эди. У ҳавода учар, жойнамозини сувда ёйиб, намоз ўқий оларди.

Балх подшоҳининг қизи Фотима унинг жуфти эди. Бир куни у қиз (пайтида) тавба қилди. Шайх Аҳмадга, мени ол, деб хабар юборди. Аҳмад қабул қилмади. Бу дафъа қиз хабар жўнатдики,

— Ё Аҳмад! Мен сени йўл кўриқчиси деб ҳисоблар эдим. Магар сен йўл тўсувчиси экансан!

Шундан сўнг, Аҳмад Фотимани олди. Дин йўлида ҳам у Аҳмадга ёрдамчи бўлди. Дунё ҳирсини тарк этиб, ибодат билан маш-

Г у л

хинасини кўрдинг. Ортиқ сенга густоҳлик қилмайман, - деди.

Боязид Бистомий: — Кимки аёл суратида мардни кўрмоқчи бўлса, Фотимани кўрсин! - деди.

Ҳазрати Шоҳ Шужоъи Кирмоний шайх ҳазратларининг бир қизи бор эди. Кирмон подшоҳи шуни тилади.

— Уч кун муҳлат беринг, ундан кейин жавоб бераман, - деди. Шайх битта-битталаб масжид ва хонақоҳларни кездиди... бир дарвиш топиб, қизимни шунга берайин, деб. Масжидда бир йигитни намоз ўқийётган ҳолида кўрди. У намозидан фориг бўлгач, шайх:

— Эй ўғил,

ШАРҚНИНГ НОЗИК ЧЕЧАКЛАРИ

бўлди.

Бир куни Аҳмад султон ул-орифин Боязид Бистомийнинг зиёратига борди. Фотима билан бирга эди. Боязиднинг суҳбатига эришдилар. Фотима ниқобини юзидан олиб, Боязид билан бетақаллуф сўзлашган эди. Аҳмад ҳайратда қолиб:

— Эй Фотима, бу одобдан эмас, густоҳлик қилма, - деди.

— Сен менга марҳами табиатсан, Боязид эса махрами тариқатдир. - Мен сен туфайли орзу-ҳавасга ётсам, Боязид туфайли Ҳаққа етишгайман. Боязид мендан бениёздир (беҳожатдир), сенинг мендан ниёзинг бордир, - деб жавоб берди Фотима.

Бир куни ҳазрати Боязид Фотиманинг қўлини хинали кўриб:

— Ё Фотима! Қўлинг нечун хинали? - деди. Фотима эса:

— Шу кунга қадар қўлимнинг хинасини кўрмас эдинг, энди қўлимнинг

уйинг борми? - деди.

— Йўқ.
— Қиз оласанми?
— Менга ким қиз беради, уч тангам бор!

— Уч танганинг бирини нонга, бирини гўштга, бирини сабзига бер, - деди ва шу соат қизини унга берганини билдирди, кечкурун узатди... Шайхнинг қизи йигитнинг қошига келиб, кеса устида бир бурда қотган нонни кўрди.

— Бу нон нимадир? - деб сўради.
— Кечадан қолган, - деди йигит. Қиз:
— Кечаги ризқни берган Аллоҳ бу-

гунгисини бермасмидики, эрта учун нон сақлабсан? Отам мени бир таваккул аҳлига узатдим, деган эди. Магар шундоқ бир кишига берибдими, ризқ учун Аллоҳга ишонмас экан! - деди.

Саида Зуннунова катта ёзувчи, атоқли шоира бўлгани билан аёллигига бориб Саид Аҳмад акани қаттиқ рашк қилар эдилар. Бир куни Саид Аҳмад ака кийиниб бир жойга бориб келаман, дебдилар-да, уйдан чиқибдилар. Кўнглига шубҳа оралаган Саида опа кийиниб-

дилару, орқама-орқа кетаверибдилар. Буни Саид Аҳмад ака сезиб, Янгиариқ маҳалласидан то ҳозирги Амир Темур хиёбонигача пиёда кетибдилар. Саида опа ҳамон кузатиб келаяптилар. Саид Аҳмад ака хиёбонга бориб, бироз айланибдилар, бировни кутгандек соатга қараб, орқа яна пиёда қайтибдилар. Янгиариқ билан

хиёбон ораси тахминан 8 километр. Ўрдага келганда Саида опа доманинг уйга қайтаётганига ишонч ҳосил қилиб, такси ёллабдилар.

Саид Аҳмад ака уйга келса, Саида опа диванда беҳол инқиллаб ётибдилар. — Нима бўлди? - дедилар Саид Аҳмад

ака ўзини билмасликка олиб.

— Ким билади эрталабдан бери икки тиззам зирқираб оғриб, кўз очиргани кўймапти. Юролмаепман, ўзингиз чой дамлаб ичақолинг.

Саид Аҳмад ака қаҳ-қаҳ уриб кулдилар.

— Менга қаранг, эрингиз аёл ки-



шининг кўзини ўйнатадиган ҳуснда тенгсиз бўлмаса, нимасини рашк қиласиз...

Саид Аҳмад ака бугунги "саргузашт"ни атайин қилганини айтганда Саида опа ҳам оғриқ аралаш кулиб юбордилар.



ЖОН ТУГАМАЙДОР

ОНАГА

АРМОҲ

Топмоқ — йўқотмоқдир.
Йўқотмоқ — топмоқ.
Сен сўлиб,
Мен яшнаб,
Тўлишимга боқ.
Сенсиз топганимдан
Кўпроқ йўқотдим —
Сен мени юпатдинг,
Сени йиғлатдим.
Сен мени яратдинг,
Сени тугатдим.
Уялмай Она деб,
Келишимга боқ!..

Соғинч ҳақда шеърлар
Ёздим ўзимча,
Мендан — пешонангда
Доғлар тизимча.
Ўғлинг бўлмай ўлай,
Аттанг, минг аттанг.
Қиз тугсанг нетарди,

Кўпроқ қиз тугсанг!

Тиргак бўлолмадим
Битта қизингча,
Уялмай шоирман
Дейишимга боқ.

Жонингдан айланай,
Тургил жонажон,
Йўл қараб бўлдим
Жигаргинанг қон.
Боқма кўзларимга
Бемажол, хаста,
Менинг топганларим
Гулми бир даста,
Йўқотганим сенми
Энди Онажон?..
Ўз этимни ўзим
Ейишимга боқ.

Билсанг,
Юрагимни бир алам элар,
Буюрсанг, қўлимдан
Келмайди нелар
Айт,
Пичан йиғайми,

Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон халқ шоири

Оламда аёл мадҳига достон тугамайди,
Чун ишқ тугамас, ишқдаги армон тугамайди.

Назм энди тугал Хофизу Саъдию Ҳавоий,
Не қолди, деманг, шоири даврон тугамайди.

Тар арсаи ашвор эса ишқ баҳсига майдон,
Майдонда тавандоз кўнч, майдон тугамайди.

Ҳусн аҳли уғун бўлмас адо нозу адолар,
Ишқ аҳли уғун қолаю асрон тугамайди.

Ҳар неки ёнар, йўқ бўлади, лекин ажабким,
Матнч ёнарак ишқ қўтида, жон тугамайди.

ТАЪЪЗИМ



Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

Ўтин ёрайми,
Ерни ҳайдаинми,
Кўк ағдарайми?..
Итдек оёғингга
Суйкалгим келар —

Учиб-учиб, мана,
Кўнишимга боқ.

Ҳеч нарса керакмас,
Болам, ҳеч дейсан.
Энди кеч дейсан-да,
Энди кеч дейсан.
Юзимни босаман
Муздай юзингга,
Онажон,
Зор қилиб кетма изингга!..
Ўлим олдида ҳам
Фамимни ейсан.
Мен-чи жим тақдирга
Кўнишимга боқ.

..Шеърим битди.
ХАЙР.
Дўстлар, хуш қолинг.
Бедил яшамакка
Ўрганманг мендек.
Боринг,
Волидангиз
кўнглини олинг,
Эртага
Кеч қолиб,
Ўртанманг мендек

Бозорда бир савдогар:

— Кеп қолинг, Чернобилдан келтирилган олмалар, -деб бозорни бошига кўтараётган эмиш. Бир одам келиб: — Ука, сал секинроқ бақиринг, Чернобил дейсиз, ҳаммани кўрқитиб нима қиласиз, олмангиз ўтмай қолади-ку, деса, — Ака олма жуда зўр сотиляпти, қаранг, ҳамма бўлмасаям баъзилар оляпти-ку. — Ука, ростдан ҳам Чернобилдан олиб келдингми? — Ҳа, ака, у томонга қовун олиб борганим, сотиб бўлиб, бир атомний ГРЭС портлаган жойни кўриб кетай деб борсам, унинг 10 гектар боғи бор экан. Шундай олмалар пишиб ётибди, ҳеч ким эмас экан... қаранг, ҳаттоки курт ҳам емаган. Роса мазза қилиб сотяпман. Одамлар ҳам роса олишяпти. — Ука, бу олмаларни тахминан кимлар олишяпти ўзи? - дебди ҳалиги киши.

— Кимки қайнонасини ёмон кўрса, ўшалар олишяпти, -дермиш олма сотувчи.

Эр-хотин аптеканинг олдидан ўтиб кетаётган экан, хотин эрига, дадаси, тўхтанг, дебди. Анави аптекани кўряписизми, деса, минг марта кўрганман, нима эди, деса, хотини деб-

ди: — Аптекани тепа-сидаги суратга ҳеч тушунмадим, идишга илон ўралиб чиқиб бир хунук ҳолатда турибди, бу нима маънони билдиради, деб сўрабди. Эр, — вой хотин-ей, шуниям билмайсанми, — йўқ билмайман, деса, ойинг чой ичяпти, дермиш.

МЕРОС

Халқимизда ажойиб маъноли гаплар ва мақоллар кўп. Масалан, учта қиз узатган одамни жаннати дейишади. Агар учта қизни


узатиб жаннати бўладиган бўлсак, унақада етти ўғил уйлантирганлар ким бўлади? Билмасанглар билиб олинглар, учта қиз узатганлар жаннати бўлади, етти ўғил уйлантирганлар банкрот бўлади. Еттита ўғил деганни тар-

биялаб, ўқитиб, уйлантириб, икки хонадан бўлса, ўн тўрт хона уй солиб бериб, яна қозон-товок, эчки-улок, сигир-бузоқ деганларини олиб бериб ҳам қутулмайсиз, экан.

Ёшингиз етмишдан ошгандан кейин ўғиллар бирма-бир келиб безовта қилишади. Дада, кўзингизни очинг. Эй номард, ухляпман, тинчлик борми ўзи, ҳозир аканг келиб кетувди, у ҳам бақириб, кўзингизни очинг, деди. Мен кўзимни очиб қандай ухлай-

Ҳожибой ПЛОЖИБОВ

ман. Дам олгани кўясанларми-йўқми? Дада, ухляпман дейсизу, рангингиз оқариб кетяпти-да. Ҳей



болам, овқат емагандан кейин оқаради-да. Топганимизни сенлар еяпсанлар. Дада, иссиқ жон — билиб бўлмайди, тап этиб гапиролмай қолсангиз, ҳамма нарса қолиб кетади, қаерга нима кўмгансиз, кимга қанча қарз бергансиз, айтиб кўйинг. Бу иморатлар кимга қолади? Мерос деган нарса бор, дебди. "Вой номардлар-ей! Хали мендан мерос талаб қиляпсанларми, қани ҳамманг йиғил!"

... Ўғил-қизларнинг ҳаммаси йиғилишибди. Ота бўлаларига бир-бир қараб, сенга болам

100.000 сўм бераман, сенга 70.000 сўм, сенга 50.000 деб, ҳаммасига айтиб чиқиб, энди мендан хурсанд бўлдиларингми, деса: — Ҳа, раҳмат дада! дейишибди ўғиллар. Ота шунда: "Э Худо, шунча пулни қайдан оламан" дермиш.



БИР КҮНДАШК МУЧЧА



Хамал. (21.03-20.04). У ўта рашкчи, қатъиятли ва чўрткесар. Ҳис-туйғуларга кўпам берилавермайди. Кўнгли нозик. Унга атиргул совға қилинг. Чунки у ҳар қанча қатъиятли бўлмасин, гулга келганда таслим бўлади.

Савр. (21.04-20.05) Бу бурждаги аёллар гўзаллик шайдолари.

Гуллар, башанг кийимлар уларнинг жону дили. Саврларга қўлга илинарли совға қилсангиз чакки бўлмасди.

Жавзо. (21.05-20.06). У дилкаш, дўст, ақлли ва самимий. Сиздан доим таъсирлироқ нарса совға қилишингизни кутади.

Саратон. (21.06.-22.07). Вақти-вақти билан ғамгин кўринади. Улардаги жиддийликни хаёлпарастликка йўйиш

мумкин. Қизиқувчан ва сир сақлашни хуш кўради. Севиклисидан ҳеч кимни кига ўхшамайдиган совға кутади.

Асад. (23.07-23.08). Бу бурждаги аёллар севгисига сазовор бўлганларнинг бахти бор. Улар бошқа-

дан ақлли ва яхши маслаҳат чиқади. Тўғрисиқ инсонларни қадрлашади.

Ақраб. (24.10.-23.11) Улар оғир табиатли ва сергак. Ҳар нарсадан шубҳа қилувчи бу аёллар асоссиз сиздан гумонсирайди. Эҳтиёт бўлиб гаплашинг, акс ҳолда лекин уларнинг кўнглини олиш қийин.

Қавс. (24.11.-22.12). Улар болалар каби содда ва соф. Ҳаракат ва спортни яхши кўради. Очиққўнғил бу аёл ҳеч қачон ёлғон гапирмайди. Уни ҳурмат қилган ва ҳимоя қилганларни қадрлайди, севгида ва-фоли.

Мезон. (24.09.-23.10). Бу бурждаги аёллар тақинчоқлару, зеб-зийнатларни яхши кўришади. Уйқу ва кўп гапириш уларнинг жону дили. Улар-

Жадй. (23.12-20.01). Улар кўпинча ишни деб севги-муҳаббатни бир чеккага суриб қўяди. Аммо, оилага ҳурматлари баланд. Уларнинг шiori: ўзингни ҳар томонлама пул, кийим, озиқ-овқат билан таъминла-да, кейин орзу қил. Аммо, улар ҳеч қачон қийинчиликдан нолишмайди.

Далв. (21.01.-19.02). Уларга сир айтмаган маъқул. Ҳамма нарсани тартибли бўлишини хоҳлайди. Маслаҳатни кулиб эшитади-да, ўз билганидан қолмайди. Рашкчи.

Жут. (20.02-20.03). Бу аёллар меҳрибон ва ажойиб. Болалар тилини улардек тушунадигани йўқ. Кўпинча хаёлчан ва ташвишли кўринашади. Куруқ бўлса-да, эрталабдан байрам билан табрикланг.

(фақат, фақат ва фақат сизнинг севгилингиз учун)


Баъзан эрингиз ёки хотинингизнинг кўзига мўлтираб тикилиб, юрагингизни хавотир чўлгаб олади: Севармикан? Куйидаги тест саволларига сидқидилдан "ха" ёки "йўқ" деб жавоб берсангиз, бундай шубҳаларга ўрин қолмайди.

КУЁВЛАР УЧУН САВОЛ

1. Хотиним мени ишимга ўралашиб қолганим учун ўзига эътибор бермаяпти, деб ҳисоблайди.
2. Хотиним бўш вақтимни дўстларим даврасида ёки спорт кўрсатувини томоша қилиш билан ўтказишимни ёқтирмайди.
3. Унинг мендан тез-тез жаҳли чиқади.
4. Хотиним менинг болаларча ўйинқароқлигимни кечиради.
5. Хотиним оиладаги вазифаларимиз тўғри тақсимланмаган, деб ҳисоблайди.
6. Хотинимнинг олдида бошқалар билан муносабатда ўзимни яхши тута олмасам, у мендан хафа бўлмайди.
7. Хотиним менга худди яқин дўсти ва севгилисидек муносабатда.
8. Хотинимга ёқмайдиган ўз сирларим бор.
9. Хотиним мени яхши ота деб ҳисоблайди.
10. Хотиним хато
11. Мен унинг ишончини оқлаяпман, деб ўйлайман.
12. Хотиним кўпинча ишқий хаёллар оғушида юришимни хоҳлайди.
13. Хотиним мени умуман тушунади.
14. Кўпинча хотиним менга нисбатан ўта танқидий фикрда, деб ўйлайман.
15. Хотиним вақти келиб унинг қўлига қараб яшашимдан кўрқади.
16. Хотиним онамга ўхшамаса-да, аммо мени парвариш қила олади.
17. Ташқи кўринишим хотинимга ёқади.
18. Хотиним эркак сифатида ҳам мени қадр-

- лайди.
19. Хотиним мени етарли даражада таъсирчан, деб ҳисобламайди.
20. Хотиним менга ўзининг тенгидай муносабатда бўлади.
21. Хотиним эр-хотинлик алоқаларини қатъий назорат қилиб бориш зарур, деб ҳисоблайди.
22. Хотиним мени қандай бўлсам, шундайлигимча ёқтиради.
23. Хотиним баъзан менинг ўй-фикрларимни маъқуллайди.
24. Хотиним беғоналар олдида менинг қадр-қимматимни ерга уриши мумкин.
25. Хотиним менга жуда ҳам ишонлади.
26. Хотиним дўстларимни ёқтиради ва улар билан суҳ-
- батлашишдан зе-
- рикмайди.
27. Хотиним сабабсиз мени ҳаммадан рашк қилиши мумкин.
28. Хотиним биз турли фикрларга эга эканлигимизни тан олади, аммо бунинг учун мени айбдор деб ҳисобламайди.
29. Менинг бошқа аёллар билан дўстона ва иш юзасидан дўстлигимдан (аммо севгидан холи) хотиним хафа бўлмайди.
30. Хотинимнинг ота-онам билан муносабати яхши.

СЕВАДИМИ, СЕВМАЙДИМИ...



камчиликларимни тез-тез айтиб туради.

НАТИЖАЛАР:

26-30 очко. Сиз бахтли одамсиз. Хотинингиз сизни қандай бўлсангиз шундайлигича севади. Бундай муҳаббатнинг қадрига етинг.

21-25 очко. Хотинингиз сизга меҳрибон. Унинг сизга ҳурмат ва эътиборли эканлигидан хурсанд бўлинг. Баъзан сизни тушунмай қолган вақтларида юракни кенг қилинг.

16-20 очко. Сизга ишонмайди, шунинг учун танқидий муносабатда бўлади. Гумон ва тушунмовчиликлар илдиз отмасин, десангиз бафуржа ўтириб, хотинингиз билан гаплашиб олинг.

15 ва ундан кам очко бўлса. Хотинингиз сизни севмайди, тушунишни ҳам хоҳламайди. Оилангизни кутқариш учун шошилиш чора-тадбирлар кўринг.

Азиз ва муҳтарам Ойсара ХУШВАКОВНА!
Сизни кўнгли айётингиз билан гин қалбдан табриклаймиз.
Қўлингиз дард кўрмасин.
Сиздан шифо топган беморлар

Азиз дўстонам НИГОРА!
Биз сизни ўн саккиз баҳорни қаршилашингиз билан гин юракдан мувораквод эътироз. Бахт ва омад сизга ер бўлиб, муҳаббат оғитови фақат сиз учун норлаб турсин.
Синфдошларингиз



"ЧИМИЛДИК" "ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ

ШОБА ИЖОДКОРЛАРИ:
ЛАЙЛО, ЯШНАР, ЗИЁДА,
ШАҲНОЗА

САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР

“Офарин” йилнинг энг яхши ижодкори Республика танлови голиблигига тавсия этилаётган номзодлар рўйхати

(Давомл. Аввал 2-бетда)

2. Даминова Светлана.- “Привитизация: Шаг за шагом” кўрсатуви учун.
3. Жўраев Асадулла.- “Худуд” кўрсатуви учун.
4. Хўжанов Саҳобиддин.- “Иш билганга минг танга” эшиттириши учун.
- В) “Маданий ва маърифий мавзудаги энг яхши кўрсатув-эшиттириш муаллифи” номинацияси бўйича:
 1. Кўшоқов Дилмурод.- “Хидоят сари” кўрсатуви учун.
 2. Ҳамидова Дилдора.- “Синфдош” кўрсатуви учун.
 3. Норқобилор Нормурод.- “Остонаси тиллодан” кўрсатуви учун.
 4. Усмонова Муаттар.- “Ҳамроҳ” радиозиттириши учун.
- Г) “Энг яхши телерадиорежиссёрлик иши” номинацияси бўйича:
 1. Ёқубов Баҳром.- “Февраль воқеалари” ҳужжатли-публицистик фильми учун.
 2. Ҳакимов Қўзижон.- “Садо-99” танлови учун.
 3. Жумаев Раҳмат.- “Жалолиддин Мангуберди” радиопостановкаси учун.
 4. Қосимов Жаҳонгир.- “Шайтанат” видеофильми учун.
- Д) “Энг яхши телетасвирчи иши” номинацияси бўйича:
 1. Слоботкин Андрей.- “Февраль воқеалари” ҳужжатли - публицистик фильми учун.

2. Қодиров Шариф.- Республикада ўтказилган оммавий байрамларни юксак маҳорат билан тасвирга туширилгани учун.
3. Ишонов Элдор.- Санъат байрамларини юксак маҳорат билан тасвирга туширилгани учун.
4. Зуннунов Мардон.- Оммавий байрамларни юксак маҳорат билан тасвирга туширилгани учун.
- Е) “Энг яхши расм безакчи иши” номинацияси бўйича:
 1. Расулов Саидкамал.- Ўзбекистон телевидениеси студияларида олинган энг яхши кўрсатувлар ва видеофильмларни юксак савияда безагани учун.
 2. Ниёзов Марат.- “Наврўз” умумхалқ байрами, Янги йил кўрсатувлари ва бошқа оммавий саҳналарни юксак савияда безагани учун.
- З) “Энг яхши телерадиомухбирлиги” номинацияси бўйича:
 1. Обидов Мухаммаджон.- “Ахборот” дастуридаги энг яхши репортажлари учун.
 2. Тўраев Х.- Энг яхши радио репортажлари учун.
 3. Алижонов Соҳибжон.- “Давр” дастуридаги энг яхши репортажлари учун.
 4. Умрзоқова Нилуфар.- “Бегойим” кўрсатувидаги энг долзарб мавзулари учун.
- Ж) “Энг яхши актёрлик иши” номинацияси бўйича:
 1. Мухторова Мадина.- Кино, театр ва телевидениедаги турли пландаги аёллар образини яратгани учун.

2. Солиҳов Равшан.- Кино, театр ва телевидениедаги ҳажвий образларни маҳорат билан яратгани учун.
3. Шодиева Раъно.- “Чимилдик” бадиий фильмидаги бош қаҳрамон образи учун.
4. Кимсанов Машраб.- Кино, театр ва телевидениедаги энг яхши эркаклар образини яратгани учун.

3. Матбуот йўналиши:

- А) “Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши мақола муаллифи” номинацияси бўйича:
 1. Акбаров Турсунали.- Ижтимоий-сиёсий мавзудаги туркум мақолалари учун.
 2. Гребенюк Ирина.- Ижтимоий-сиёсий мавзудаги туркум мақолалари учун.
 3. Мелибоев Аҳмаджон.- Ижтимоий-сиёсий мавзудаги туркум мақолалари учун.
 4. Норқобилор Қўчқор.- Ижтимоий-сиёсий мавзудаги туркум мақолалари учун.
- Б) “Маданий-маърифий мавзудаги энг яхши мақола муаллифи” номинацияси бўйича:
 1. Исомиддинов Захриддин.- Маданий-маърифий мавзудаги туркум мақолалари учун.
 2. Каримов Наим.- Маданий-маърифий мавзудаги туркум мақолалари учун.
 3. Содиқова Турсун.- Маданий-маъри-

фий мавзудаги туркум мақолалари учун.

4. Қаршибоев Муртазо.- Маданий-маърифий мавзудаги туркум мақолалари учун.

В) “Энг яхши фотомухбир” номинацияси бўйича:

1. Албеков Равиль.- Мустақиллик ва истиқлол мавзудаги фотосуратлари учун.
2. Қурбонбоев Фарҳод.- Мустақиллик ва истиқлол мавзудаги фотосуратлари учун.
3. Мухаммаджонов Нуъмон.- Мустақиллик ва истиқлол мавзудаги фотосуратлари учун.
4. Тўраев Абдувоҳид.- Мустақиллик ва истиқлол мавзудаги фотосуратлари учун.

Г) Уч йўналишда “Йилнинг энг яхши ҳомийси” номинацияси бўйича мукофотлар топшириш кўзда тутилган.

2000 йил, 14 март, соат 19.00 да “Халқлар Дўстлиги” саройида “Офарин” йилнинг энг яхши ижодкори Республика танлови голибларини тақдирлашга бағишланган адабий-бадиий-музыкали кеча ўтказилади.

Ижодкорлар байрамига марҳабо, азиз юртдошлар!

ТАШКИЛИЙ ҚўМИТА

Мақтабаёқ Ватан олдидаги муқаддас бурчини теран ҳис этиб, мустақил мамлакатимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга ҳам руҳан, ҳам жисмонан шай бўлган ёшларни армия хизматида тайёрлаш доимий долзарб вазифалардан биридир. Бу муҳим иш республика мактабларида қандай йўлга қўйилган? Республика Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош САИДЖОНОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Вазирлигимиз тасарруфидаги таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида” ҳамда “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунлари асосида мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафига Ватанга садоқат руҳида тарбияланган, жисмонан бақувват, иродали ва бошланғич ҳарбий таълим сир-асрорини пухта эгаллаган ўқувчи ёшларни тайёрлаш борасида муайян ишлар олиб бориляпти. Жумладан, республикамизнинг кўплаб мактаб, лицей ва коллежларида чақириққача ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш дастури амалга оширилмоқда.

Шуни айтиш керакки, бугунги кунда ўқувчи ёшларни чиниқтириш барча ўқув муассасасида олиб борилмоқда, бу машғулотларга минглаб ўсмирлар жалб этилган. Ўқув юртларимиз учун зарур бўлган ҳарбий таълим ўқитувчилари Тошкент Давлат педагогика университетининг кафедрасида тайёрланмоқда. Фақат ўтган ўқув йилининг ўзидагина бу кафедрани бир юз йигирма нафардан зиёд талаба муваффақиятли тугаллади.

Таълим муассасаларида абитуриентларни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган олий ҳарбий билим юртларига ўқишга юбориш бўйича ҳам қатор тадбирлар амалга оширилиб, бу борада ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан кенг кўламли ташвиқот ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Натижада ўтган ўқув йилида халқ таълими муассасалари-

дан бир неча юз ўқувчи ёш республикамизнинг бир қатор олий ҳарбий ўқув юртларида имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, курсантликка қабул қилинди.

— Чақириққача-



ВАТАННИНГ СОДИҚ ҲИМОЯЧИЛАРИ

Уларни тарбиялаш — доимий долзарб вазифа

ча ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш қайси вилоятларда яхши йўлга қўйилган?

— Бу муҳим иш Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё ва Наманган вилоятлари халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасида намунали ташкил этилган. Вазирлик тизимидаги кўплаб ўқув муассасалари ўзининг мустаҳкам ўқув-моддий базасига эга. Қарийб барча мактабларда ёшларни армия хизматида тайёрлаш синфлари мавжуд.

Чақириққача ёшларни тайёрлаш жараёнида мустақил Ватанимизга садоқат, тарихий қадриятларимиз ва шонли анъ-

аналаримизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ота-болаларимизнинг жанговарлик анъаналарини тарғиб этиш, ёшларда армия сафига хизмат қилишга муҳаббат ҳиссини уйғотиш, ҳарбий қасамд ва ҳарбий низом талабларига масъулият, интизомлилик ва жасурликни шакллантириш каби мавзулар мазкур синфларда ўтказиладиган машғулотларда а с о с и й

ларидан кенг фойдаланилаётир. Ўқув юртларида жанговар ва меҳнат шухрати музейлари ташкил қилинган бўлиб, ўқувчи ёшларнинг уруш ва меҳнат ҳамда Қуролли Кучларнинг фахрийлари, ҳарбий бўлинмаларда ўтказилаётган сиёсий ва жанговар тайёргарлик аълочилари, маданият ва санъат арбоблари, таниқли кишилар билан қизиқарли учрашув ва суҳбатлар уюштирилиб, турли кўргазмалар ташкил этилмоқда.

Шунингдек, ўқув юртларини оталиққа олган ҳарбий жамоалар ёрдамида ўқувчилар билан касбга йўналтириш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Ўқувчиларнинг ҳарбийлар билан учрашувларга сафари ташкил этилиб, улар ҳарбий техника, қурол-яроғ ва жамоанинг жанговар тарихи билан таништириляпти. Ёшлар ўртасида ўтказиладиган ҳарбий-спорт мусобақалари ўқув муассасаларида ўсмирларни чақириққача тайёрлашнинг сифатини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги пайтда ўқувчи ёшлар ўртасида Мудофаа, Халқ таълими вазирликлари, “Камолот”, “Нуроний” жамғармалари ва маҳаллий ҳокимликларнинг бевосита ёрдамида ўтказиладиган “Шунқорлар” ҳамда “Амир Темуравларлари”

ҳарбий-спорт мусобақалари кенг тус олмақда. Ўтган йили ўтказилган “Шунқорлар” ҳарбий-спорт мусобақасида 80 мингдан зиёд ўқувчи қатнашди. Бундай мусобақалар ўқувчи ёшларнинг жисмонан ривожланиши, уларда ҳарбий-ватанпарварлик туйғуси ўсиши, ҳамда аждодларимиз васиятларига садоқат руҳида улғайишларида катта аҳамиятга эга.

Айни вақтда ўқув юртларида ҳарбий-спорт байрамлари, чақириққача ёшларидаги ва чақириққача бўлган ёшлар ўртасида турли спартакиадалар, эстафета мусобақалари, ўқув юртлари билан ҳарбий қисмлар ўртасида спортнинг кўплаб турлари бўйича ўзаро ўртоқлик учрашувлари ташкил этилмоқда. Ўқувчи ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳар йили мамлакатимизда кенг миқёсда ўтказиладиган оммавий ойликлар ҳам алоҳида ўрин тутди.

Пировардида шуни айтиш керакки, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида муаммолар ҳам йўқ эмас. Чақириққача ёшларни тайёрлаш фанини ўқитиш мазмунини бугунги кун талабига жавоб берадиган даражага етказиш, ҳарбий таълим раҳбарларининг малакасини янада ошириш, ҳарбий хоналарни мамлакатимиз истиқлоли, Қуролли Кучларимиз олдида қўйилган вазифалар руҳига мос тарзда қайта жиҳозлашни кучайтириш зарур. Маҳаллий ҳокимликлар мудофаа ишлари бўйича вилоят бошқармалари ва туман бўлимлари, оталиқ ташкилотлар билан ҳамкорликда чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқув-моддий базасини янада яхшилаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришлари лозим.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

Артур Григоряннинг навбатдаги галабаси

Ўзбекистонлик таниқли боксчи Артур Григорян жаҳон чемпиони унвони учун профессионаллар ўртасида ўтказилган мусобақада Италия чемпиони Сандро Казомоника устидан галаба қозонди.

Берлин шаҳрида ўтказилган учрашув бутун Германиядан йиғилган бокс ишқибозлари билан гавжум бўлди. Мусобақа бошланишидан олдин ўтказилган матбуот анжуманида Сандро Казомоника профессионаллар ўртасида ўн марта жаҳон чемпиони Артур Григорянни енгишига ишончи комил эканлигини маълум қилган эди.

Сандро Казомониканинг мухлислари тўққизинчи раундгача италиялик чарм қўлқоп устаси ўз сўзининг устидан чиқади, деган умидда эди. Бироқ, тўққизинчи раунднинг иккинчи минутида Артур Григорян ўз рақибини нокаутга учратиб, профессионаллар ўртасида ўн биринчи марта жаҳон чемпиони бўлди.

"Ўзбекистонда аёллар маданияти"

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида "Ўзбекистонда аёллар маданияти" мавзусидаги фото кўргазма очилди. Унинг муаллифи германиялик этнограф олина ва ёзувчи Габриэле Келлер хонимдир. Кўргазмада юртимиз аёлларининг оилада, жамият ва сиёсатда тутган мавқеи ўз аксини топган бир юз элликдан ортиқ рангли фотосурат ва халқ амалий-безак санъати намуналари намойиш этилмоқда.

Шуни айтиш жоизки, немис олимаси мамлакатимизда бир неча маротаба илмий-ижодий сафарда бўлиб, халқ оғзаки ижодини ўрганиш билан шуғулланган.

— Ўзбекистонга навбатдаги сафарим тарихга Аёллар йили номи билан кирган 1999 йилда бўлган эди, дейди Габриэла хоним. — Истиклолнинг ҳар бир йили республикангиз тарихида ўзига хос ўчмас из қолдираётганига ишонч ҳосил қилдим. Ўзбек хотин-қизларининг кўпқиррали ранг-баранг маданий ҳаёти менда катта қизиқиш уйғотди. Шоҳиди бўлган воқеаларим, бой таассуротларим ўзбек аёллари тўғрисида кўргазма ташкил этишимга туртки бўлди. Мен мазкур кўргазмани дастлаб Ўзбекистонда, сўнгра мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва Европа мамлакатларида намойиш этиш ниятидаман.

11 мартга қадар давом этадиган "Ўзбекистонда аёллар маданияти" кўргазмаси Самарқанд, Бухоро ва Термиз шаҳарларида ҳам намойиш қилинади.

(ЎЗА)

ЎЗА

ПРЕТОРИЯ. Мали пойтахтида Сьерра-Леоне, Гвинея, Либерия ҳамда мезбон давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда, асосан, минтақавий хавфсизлик борасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув қатнашчилари Сьерра-Леонедаги исёнчи гуруҳларни тинчликни сақлашга чақириб, барча муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал қилишга даъват қилди. Давлат раҳбарлари бундай жиноий тудаларни қўллаб-қувватламаслик ва уларга ўз мамлакатлари худудидан бошлана бермасликка келишиб олди.

КОПЕНГАГЕН. Дания Жаҳон банкни табиий офатдан жид -



дий талофат кўрган Мозамбик иқтисодиётини тиклаш мақсадида махсус анжуман ўтказишга чақирди. Мазкур мамлакат ташқи ишлар вазирлигининг бу ҳақдаги баёнотида таъкидланишича, бўлажак анжуман табиий офат талофатларини тезроқ бартараф этиш ва инсонпарварлик ёрдами ҳажмини янада кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумотларга қараганда, Даниянинг ўзи Мозамбикка ёрдам кўрсатиш учун тўрт миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратган.

БЕРЛИН. Европа Иттифоқи Халқаро валюта жамғармаси фармойиш берувчи директори лавозимига германиялик Кайо Кох-Везер номзодини

лари миқдорига маблағ ажратишга чакирди. Халқаро ташкилотнинг бу ҳақдаги баёнотида кўрсатилишича, сув тошқини юз минг гектардан ортиқ экин майдонини яроқсиз қолга келтирган.

ЎЗА

САНА. Яман ҳукумати Африка бирдамлиги ташкилотининг Эфиопия билан Эритрея ўртасидаги чегаравий можарони ҳал қилишда воситачилик қилишини қўллаб-қувватлайди. Бу ҳақдаги маълумотда таъкидланишича, Яман ушбу муаммони сиёсий йўл билан бартараф қилиш тарафдори ва икки мамлакат раҳбарларини Санада музокара ўтказишга чакиради. Бунда АТБнинг воситачилиги эса нафақат ушбу келишмовчиликни ҳал қилиш,

балки минтақавий тинчликни мустақамлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Хавфсизлик кенгаши аъзолари Косоводаги халқаро тинчликни сақлаш кучлари сафида хизмат қилаётган россиялик ҳарбийнинг ҳалок бўлгани муносабати билан унинг яқинлари ва Россия ҳукуматиға ҳамдардлик билдирди. Маълумотларга қараганда, россиялик ҳарбий Приштинадан 35 километр узоқликдаги Сербиц шаҳрида яраланган ва кўп ўтмай шифохонада ҳаётдан кўз юмган.

ГРУЗИЯ Президенти Эдуард Шеварднадзе ўз мамлакатининг НАТО билан истиқболдаги ҳамкор-



қўллаб-қувватлашда давом этади. ГФР канцлери Герхард Шрёдер ЕИҒа раислик қилаётган Португалия Бош вазири Антониу Гутерриш билан телефон орқали сўзлашганида, томонлар буни яна бир бор тасдиқлади.

ЖАКАРТА. АҚШ ҳукумати Индонезиядан Шарқий Тимор аҳолисиға тажовуз қилганлар устидан суд ўтказишни талаб қилди. Мазкур мамлакат расмий вакили Томас Пикеринг бу ҳақда баёнот бериб, Оқ уй шундагина Жакарта маъмурияти билан ҳарбий алоқаларни қайта тиклаши мумкин, деди. Европа Иттифоқи давлатлари ва АҚШ Шарқий Тимор можароси кескинлашгани натижасида ўтган йилнинг сентябр ойида Индонезия билан ҳарбий алоқаларни тўхтатган эди. Ҳозир ЕИ давлатлари буни бекор қилган бўлса-да, Оқ уй ҳарбий алоқаларни тиклашга шошилаётгани йўқ.

КАТМАНДУ. Осиё тараққиёт банки Непалда қашшоқликни тугатиш борасидаги ишларни янада фаоллаштириш учун бу давлатга 295 миллион АҚШ доллари миқдорига кам фоизли қарз ажратишга қарор қилди. Бу ҳақда мазкур мамлакат ҳукумати билан битим имзоланди. Маблағ қишлоқ ҳужалигини ривожлантириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, халқ таълимини яхшилаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишларига сарф қилинади.

ЛУСАКА. БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилиб, Мозамбикда табиий офатдан талофат кўрган деҳқонларга ёрдам сифатида 2,5 миллион АҚШ дол-

лиги тўғрисида тўхталар экан, "биз қаттиқ хоҳлаган тақдирда ҳам, НАТО Грузияни яқин 3-5 йил ичида қабул қилмайди", деди. Грузия Президентининг таъкидлашича, мамлакатда президент сайлови бўлиб ўтгунга қадар бу масалага тўхталмаган маъқул. Илгарироқ Эдуард Шеварднадзе "Грузия 2005 йилга келиб, НАТОга аъзо бўлиши мумкин", деган эди.

8 март **ЛАТВИЯ**да байрам сифатида нишонланмайдиган бўлди. Бу қарорни шўролар ғоясига қарши курашининг яна бир натижаси дейиш мумкин. Сўлчи мухолифлар мазкур санани байрам сифатида нишонлаш таклифини илгари сурган эди. Бироқ парламент аъзоларининг кўпчилиги шу заҳотиёқ улардан шўроча аъналардан воз кечишни сўради. Шундай бўлса-да, айни пайтда Латвияда байрам кайфияти ҳукмрон.

ТАЙВАНлик таниқли олим, кимё фани бўйича халқаро Нобел мукофоти совриндори Ли Юанцзе оролнинг Хитойга куч билан қўшиб олиншига қарши чиқди. Унинг таъкидлашича, Тайванни Хитойга қўшилиши мажбурий эмас, балки ўзаро келишув шароитида, тинч музокаралар орқали амалга оширилиши лозим.

МОЛDOVA ҳукумати мамлакат худудида металлдан ясалган буюмлар савдосини таъқиқлаб қўйди. Мазкур қарор кейинги йилларда электр ва телефон тармоқларидаги симлар, трансформатор ва бошқа жиҳозларнинг ўғирланиши кўпайиб кетгани муносабати билан қабул қилинди.

РАНГИНИ КЎРИНГ, ЯСЛИНИ БИЛАСИЗ

Айтишларича, турмушга чиқмоқчи бўлган йигитингизнинг кўпроқ қайси рангдаги куйлак, свитер ёки пайпоқни суйиб кийишини аниқласангиз бас, унинг характери яхшироқ бўлиб олишингиз мумкин экан.

Кизил. У ҳаракатчан, иродали, ўзига ишонади. Қизларни мафтун этаолади. Бирроқ баъзан бундай йигитлар оилавий ҳаётда қаттиққўл, жоҳил бўлади.

Пуштиранг. Аёллардай назокатли. Бундай йигитга турмушга чиқишдан олдин уйланиш: у билан яшаб кета оласизми?

Оловранг. Улфатчиликни ёқтиради, кўнгли очик, давраларнинг гули. Ишончли эркек. Улар билан турмуш қурсангиз, кийналмай яшайсиз.

Сариқ. Мақсад сари интилувчан, билимли, ҳаётга муҳаббатли. У яхши маънода мансабпараст, ҳаётда нимани орзу қилса, албатта унга эришади.

Яшил. Юрагингизни қон қилиб ташлайдиган даражада зикна, кўнгли тор.

Хаворанг. Ақлли. Эҳтиёткор. Кўнглидаги гапни очик айтмавермайди. Уйдагиларга хушомад қилишни билмайди.

Кўк. Унинг кўнглига қараб яшашингиз керак. Жаҳли чиқса ҳар қандай майда-чуйдадан ҳам жанжал чиқаради.

Бинафшаранг. Ешидан қатъий назар майда гап, ўзидан ҳам, бошқалардан ҳам доимо ранжиб юради. Аммо улар рафиқаларига садоқатли.

Жигарранг. Ибратли оила соҳиби. Лекин ўй-фикрлари чекланган. У билан узоққа боришингиз қийин.

Оқ. Ҳазил-мутойибадан йироқ, ёлғизликни ёқтиради. Уйин-кулгудан нари юради. Кўпинча дўстлари бўлмайди.

Қулранг. Табиатан оғирбосиқ, Хаёлпараст. Ўзини-ўзи кийнаб яшайди.

Кора. Ута кетган худбин. Табиати об-ҳаводек тез-тез ўзгариб туради. Баъзан ғамга ботиб, ич-этини ейди.

ОДАМ ХЎР АКУЛАЛАР ҚОТИЛИ

Австралиялик денгизчи Вик Хислопнинг кўзи ўнгида акула онасини икки ямлаб, ютиб юборди. Шунда дунё кўзига тор кўринган денгизчи онамининг ўчинчи олиш учун мингта акулани ўлдираман, дея онт ичди.

Орадан бир неча йил ўтди. Янги йил арафасида у ўз вадасининг устидан чиқди.

— Акула овлаш кони фойда, — деб ҳисоблайди Вик. — Унинг терисини қимматга сотиш мумкин. Акула жигари СПИД хасталигига дучор бўлганлар учун дори, гўшти тўйимли ўғит, унинг тишлари эса безак...

Шу сабабли акула овлашни ўзига касб қилган денгизчилар кўп. Бироқ табиат муҳофазаси билан шуғулланувчи "Гринпис" ва "Яшиллар" ташкилотлари акула ва бошқа денгиз жониворларига қирон келтираётганларга қарши қатъий кураш бошлаган. Балиқчилар эса денгиз қирқоқлари хавфи бўлиб қолди, акулалар ҳар йили бир неча юзлаб одамларни тириклайин ютиб юбормоқда, шунинг учун уларни қириб ташлаш керакдеган фикрда.

Ўтган йилнинг ўзидагина Австралида бир неча юз киши акулаларга емиш бўлди.

Муассис:

ЎЗBEKISTON ЕШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Зиёда АШУРОВА



Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.